

## Зиёрат туризмига эътибор



20:33 / 10.01.2021 1839

Тошкент шаҳрида 2021 йил туризм соҳасида амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар белгилаб олинди. Бу ҳақда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ахборот хизмати хабар берди.

Унда Тошкент шаҳрида 2021-2023 йилларда маҳаллий ва хорижий ташаббускорлар томонидан жами қиймати 9,442 трлн. сўм миқдоридаги 90 та лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 739,5 млн. долларни ташкил этиб, шундан 3 596 та хона ва 7 050 та ўринга мўлжалланган 66 та меҳмонхона, 12 та савдо, кўнгилочар бизнес маркази, 9 та маданият ва истироҳат боғи ва 3 та ҳунармандчилик марказлари барпо этилиши назарда тутилган. Ҳозирда лойиҳалар бўйича манзилли рўйхат шакллантирилиб, мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳудудида жойлашган муқаддас қадамжолар — Шайхонтоҳур, Тўлабек (Қалдирғочбек) ҳамда Юнусхон мақбараларида сайёҳларни кириб-чиқиш шароитларини яхшилаш, «Ал-Бухорий» халқаро спутник телеканалини очиш каби лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «Жаҳон мусулмон сайёҳлари индекси» рейтингида Ўзбекистон 10 поғона (32-ўриндан 22-ўринга) юқорилаб, Ислom ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида мусулмон сайёҳларни жалб қилаётган «Энг жозибадор» ҳамда «Хавфсизлик ва бағрикенглик даражаси юқори» бўлган 10 мамлакат қаторидан ўрин олган.

АОКАдаги брифингда Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов маълум қилишича, коронавирус пандемияси туфайли юз берган глобал инқироз натижасида мамлакатимиз туризми энг жиддий зарар кўрган соҳалардан бири бўлган. 2020 йилда Ўзбекистонга 1 млн 504 минг турист келган, уларга 261 млн долларлик хизмат кўрсатилган.

«2021 йилда барча ишларни умумий рақамлар орқали эмас, аниқ режалар ва рейсма-рейс йўналиш бўйича батафсил ҳисоб-китоб асосида амалга оширомоқчимиз, зиёрат туризмига кўпроқ эътибор қаратмоқчимиз», – деди А.Абдуҳақимов.

2021 йилда Ўзбекистонга 1 млн 700 минг нафар хорижий сайёҳ ташрифини таъминлаш бўйича режа ишлаб чиқилган. Зиёрат туризмини ривожлантириш концепцияси доирасида дунёга машҳур Ислom дини уламолари кўним топган қадамжоларни реконструкция қилиш, мақбараларга сайёҳларнинг кириб-чиқиш шароитларини янада қулайлаштириш йўналишида ишлар олиб борилади.